



## ДЕВОРГА ОСИЛГАН СУРАТ

3-саҳифа

“Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидур”.

### ҲУҚУҚИЙ ПЕДАГОГИКАДА ТАРБИЯ ОЛИЙ ТАЪЛИМДА УНИ ҚАНДАЙ ҚўЛЛАШ КЕРАК?

ЎЗБЕКИСТОНДА кадрларни тайёрлашнинг ўзига хос моделини яратишга ҳаракат қилинаёпти. Жамиятнинг фан ва таълимга нисбатан талаблари ошиб бораётганлигини ҳисобга олсак, ҳар жиҳатдан билимли кадрларни тайёрлаш бугун олий таълим муассасалари олдида турган муҳим вазифадир. Айни дам ўқитиш технологияларининг янгиланиб бораётганлиги, таълим ва илмий муассасаларнинг ташкилий ҳамда иқтисодий шароитлари тез суръатда ўзгараётганлигини тан олиш жоиз. Шубҳасиз, бу ўринда олий ўқув юрти жамоаларининг ҳозирги замон педагогикасининг энг самарали ютуқларидан унумли фойдаланаётганини қувонч билан таъкидлаш керак.

Лекин минг афсуски, буларнинг ҳаммаси ҳам билимли, ҳам тарбияли, ҳар жиҳатдан мукамал соҳа вақилини тайёрлашга хизмат қилаётгани йўқ. Олий ўқув юртини ташкиллашган талаба ўзи танлаган соҳанинг туб моҳиятини англамаяпти. Шу касбни эгаллаб одамларга қандай хизмат қилиш кераклигини билмайди ёинки соҳанинг буюк намоёндалари уни қай тариқа ва ни-

ма учун юксаликка қўтарганини тушунмайди. Буларнинг асл сабабини эса замонавий таълим қанчалик илғор аҳамият касб этаётган бўлмасин, педагогикага чинакам тарбия, аслият етишмаётганлигида деб баҳоладик. Абу Наср Форобий “Фозил одамлар шаҳри”, “Бахт-саодатга эришув тўғрисида” каби асарларида таълим-тарбиянинг муҳимлиги, унда

нималарга эътибор бериш зарурлиги, таълим-тарбия усуллари ва услуби ҳақида фикр юртади. Таълим — инсонга ўқитиш, тушунтириш асосида назарий билим бериш; тарбия — назарий фазилатларни маълум ҳунарни эгаллаш учун зарур бўлган ҳулқ нормаларини ва амалий малакаларни ўргатишдир, дейди олим.

6-саҳифа

### НОН ОЛИШ УЧУН КОМПЕНСАЦИЯ БОРМИ?

— Ун ва қолипчи нон харид қилиш учун компенсация берилади, деб эшитган эдим, шундай компенсация борми ва у қаерда тўланади?

4-саҳифа

### “ЎҚИШГА КИРИТИБ ҚўЯМАН!..” АБИТУРИЕНТЛАРНИ АЛДАГАН “ҲОЖАТБАРОР”

Олий ўқув юртига кириш имтиҳонлари яқинлашгани сари “ўқишга киритиб қўяман”, деган кимсалар кўпайиб қолади. Мақсад аниқ — “ўлжа”ни топиб пулини олиш.

5-саҳифа

### СОБИҚ ҚОРОВУЛНИНГ ҚИНФИР ИШИ

... Собиқ қоровул бир пайтлар ўзи ишлаган туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси атрофида “текин ўлжа” илинжида тентираб юрган кезлари кўзлаган мақсадига етгандек бўлди.

5-саҳифа

Дарҳақиқат, Президентимизнинг бу сўзлари замирида инкор этиб бўлмас ҳақиқат мужассам. Барча замонларда аёлларни муҳтарамая муқаррама зот сифатида эъзоланган, қадрланган. Хусусан, Ҳадиси шарифдаги “Жаннат оналар оёғи остидадир”, деган муборак калом барчамизга яхши таниш. Ислоҳ динидаги аёлларни улуглаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, оналарнинг ҳақини оғринмай адо этиш каби таълимотлар буюк жаҳонгир Амир Темур ва темурийзода подшоҳларнинг сиёсатида ўз ифодасини топган. Бунини Амир Темурнинг қўйидаги сўзлари ҳам яққол тасдиқлаб турибди: “Бу замин аёллари ҳар соҳада етакчилик қила олади, бу замин аёлларнинг садоқати, меҳр ва зукколигини улуглайди, шундай экан, аёлларимизнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишни давлат сиёсати даражасида билдим”.

Муқаддас заминимизда туғилиб ўсган аёллар жасорати тилларда дoston бўлган юртпарвар Тумарис, Темур салтанатининг бебаҳо гавҳари оқила аёл Сарой Мулк хоним, назм маликалари Нодирабегим, Жаҳон отин Увайсий, “Олоҳ маликаси” Қурбонжон додхоҳ каби тарих зарварқалиридан жой олган.


Миллий қадриятларимиз қайта тикланиб, унинг олтин тамойиллари ҳаётимизга татбиқ этилаётган бугунги кунда юртимиз аёлларига эътибор ва ғамхўрлик, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тобора ошиб бормоқда. Шу ўринда қайд этиб ўтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасида “Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидир” деб белгилаб қўйилган конституциявий принцип асосида аёлларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги фаоллиги ошиб, оналик ва болалик, оила институтининг қонуний манфаатларини таъминлаш тобора юқори даражага кўтарилиб бормоқда. Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аёлларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида тўлақонли иштирок этишига эришиш, гендер тенглик ва репродуктив саломатлиқни таъминлаш бўйича олиб борилаётган давлат сиёсати жаҳон ҳамжамияти, жумладан, БМТ, Халқаро меҳнат ташкилоти, ЮНИСЕФ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти каби нуфузли халқаро ихтисослашган муассасалар томонидан юқори баҳо берилмоқда.

## МОМОЛАРИМИЗ НОМИ ТИЛЛАРДА ДОСТОН

**Феруза МУХИТДИНОВА,**  
Тошкент давлат юридик университети юридик фанлар доктори, профессор:

— Ўзбек аёллари умумбаърият тараққиётига улкан ҳиссасини қўшган машҳур ўғлонлари — Амир Темур, Жалолиддин Манғуберди каби шаркардалар. Баҳоуддин Нақшбанд, Абдуҳалиқ Ғиждувоний, ҳазрат Хўжа Ахрор Валий каби азиз айтиллар, жаҳонни лол қолдирган — Форобий, Абу Райҳон Беруний, Имом ал-Бухорий, Абу Али ибн Сино, ал-Хоразмий, Мирзо Улугбек каби олимларни тарбиялаган оналардир.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда турли соҳа ва тармоқларда меҳнат қилаётган ишчи ва



# АЁЛ БАХТЛИ БЎЛСА, ОИЛА БАХТЛИ БЎЛАДИ, ОИЛА БАХТЛИ БЎЛСА, БУТУН ЖАМИЯТ, ДАВЛАТ МУСТАҲКАМ ВА БАРҚАРОР БЎЛАДИ

хизматчиларнинг 45 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Жумладан, давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 минг 400 га яқин опа-сингилларимиз раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилмоқда. Улардан 17 нафари сенатор, 16 нафари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати бўлиб, 1 минг 500 нафарга яқин халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари таркибида фаолият юритмоқда. Юзлаб опа-сингилларимиз “Ўзбекистон Қаҳрамони”, “Ўзбекистон фан арбоби”, “Ўзбекистон халқ ўқитувчиси”, “Ўзбекистон халқ шоири”, “Ўзбекистон халқ артисти” сингари давлатимизнинг юксак фахрий унвонлари, орден ва медалларига сазовор бўлган. Уларнинг орасида 500 нафардан зиёд фан докторлари ва академиклар, минглаб фан номзодлари ўз билими ва истеъдоди билан ватанимиз раванги учун астойдил хизмат қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қатор Фармон ва қарорлари Давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг ролин ошириш, Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга қаратилган билан аҳамиятлидир. Шунингдек, ҳар йили мўайян йўналишда қабул қилинаётган махсус давлат дастурларининг ҳаёти татбиқ этилиши доирасидаги режалар ишлар маълум даражада аёлларимизнинг ҳаёт шароити ва сифатини яхшилашга ҳам алоқадордир. Бундан ташқари, Ўзбекистон БМТ ва Халқаро Меҳнат ташкилотининг “Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисида”, “Оналиқни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситишлар тўғрисида”ги ва бошқа ҳужжатларини ратификация қилган. Албатта, бу ишларни амалга оширишда Ўзбекистон 1995 йил 6 майдан “Оналиқни муҳофаза этиш тўғрисида”ги Конвенцияга, 1997 йил 30 августдан “Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенцияга қўшилди. Бугунги кунда аёлларга эътибор ҳар даврдан ҳам ўзгачадир.

Сўнги йилларда амалга оширилган ислохотларга қарасак, ижобий ўзгаришлар талайгина. Жумладан, яқин ойларида Сури-

ядан юртимизга қайтариб келтирилган оналар ва болаларга кўрсатилаётган реабилитация ёрдамнинг бош мақсади ҳар бир аёл эътиборда, давлат ҳимоясида эканлигини ифода этишдир. Шунингдек, жорий йилнинг 21 июнь кунин Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисида Сенат Раиси лавозимига Танзилла Норбоеванинг тайинлиши аёлларимизнинг сиёсий жараёнлардаги фаоллигидан далolat. Мазкур тadbирда давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Сенатида янги қўмита — Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича қўмита тузишни тақлиф этди. Олиб борилаётган ислохотлардан кўриниб турибдики, Шарқда аёлларга эътибор ҳамиша юқори даражада бўлган, аёл миллат онаси, юрт равнақида ўз ўрнига эга инсон сифатида улуглинишни бугунги давр исботламоқда.

## ҲАР БИР АЁЛ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА ФАОЛ ВА ТАШАБУСКОР БЎЛСИН

**Зулайхо МАХКАМОВА,**  
Ўзбекистон хотин-қизлар  
қўмитаси раисининг  
1-ўринбосари:

— Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва шу орқали маҳаллий ҳокимликлар ҳамда бошқарув органларининг барча бўғинларидаги раҳбар лавозимларида хотин-қизлар улуғлини ошириш мақсадида Сиёсий партиялар билан 2018-2019 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси ижрога йўналтирилди.

Унга қўра, сиёсий ва ҳуқуқий билимли, фаол, инновацион ғояларга ва ташкилотчилик қобилиятга эга бўлган хотин-қизлардан иборат 3 240 нафар кадрлар захираси шакллантирилди.

Лекин мамлакатимиз хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада оширишда ўз ечимини қутаётган бир қатор муаммолар ҳам йўқ эмас.

Жумладан, бугунги кунда вакиллик органлари ва парламент депутатлари орасидаги хотин-қизлар улуғли 15 фоизни ҳам ташкил этмайди.

Сабаби, кўрсатилаётган номзодларни тайёрлаш борасида тизимли иш олиб борилмаётгани, айниқса, раҳбарлик лавозимларида

хотин-қизлардан номзод сўралса, топиб ҳам бера олмаётгани.

Ҳозирги кунда раҳбарлик лавозимларида фаолият олиб бораётган аёллар сони 1 фоизни ҳам ташкил этмайди.

Ушбу муаммоларни бартараф этиш юзасидан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг кадрлар билан ишлаш Концепциясини ишлаб чиқишимиз ва қабул қилишимиз лозим.

Сиёсий партиялар билан ҳамкорликда вакиллик органларига, Парламент депутатлигига номзодларни тайёрлаш ва 2019 йилги сайловларда хотин-қизлар томонидан номзод кўрсатилишини 50 фоизгача етказиш ҳамда депутатлар орасида уларнинг улуғлини 30 фоиздан кам бўлмашлигига эришишни ўзимизга вазифа қилиб олишимиз керак.

2019 йилда Президентимиз томонидан берилган топширик, яъни хотин-қизлар бандлигини таъминлаш юзасидан дастур тасдиқланди, айниқса, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган 13 минг нафар хотин-қизларни иш билан, 1600 нафар хотин-қизларни уй билан таъминлаш бўйича рўйхат шакллантирилди.

Президентимизнинг 2019 йил 7 мартдаги “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тadbиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига қўра, Ўзбекистон Республикасининг “Эркаклар ва аёллар учун тенг ҳуқуқлар ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни ҳамда “Хотин-қизларни таъин қилиш ва ўзравонликлардан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси ишлаб чиқиши бўйича ишчи гуруҳ тузилди.

Шунингдек, 2019 йилда бўлиб ўтадиган сайловларда хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш, сайловчи хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида Марказий сайлов комиссияси билан ўзаро келишув Меморандуми имзоланди ҳамда йўл харитаси ишлаб чиқилди.

Қўмита қошида “Фахрий аёллар”, “Ижодкор аёллар”, “Аёл ва саломатлик”, “Ҳуқуқшунос аёллар”, “Илим-фан ва аёл”, “Ташаббускор ёшлар” уюшмалари фаолият олиб боради.

## ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА ЯНГИ ҚЎМИТА

**Мавлудахон ХЎЖАЕВА,**  
Олий Мажлис қонунчилик  
палатаси депутати:

— Аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш давр талабига айланган бир вақтда юртимизда бу борада амалга оширилаётган ижобий ишлар нафақат халқимиз, балки жаҳон ҳамжамияти, жумладан, БМТ, Халқаро меҳнат, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотлари, ЮНИСЕФ каби нуфузли халқаро ихтисослашган муассасалар томонидан эътироф этилиб, юқори баҳоланмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида янги тузилма — Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича қўмита тузиш тақлифини берди. Бу тузилма, албатта, мамлакатимиз ҳаётида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларга кенг имкониятлар яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, ҳар йили халқимизнинг қўлтуғ байрамлари муносабати билан Президентимиз томонидан амнистия, афв эълон қилинар эди. Олий суд ва Хотин-қизлар қўмитаси ўртасида имзоланган ҳамкорлик меморандуми бағрикенглик ва кечиримлилик каби инсонийлик хислатларини янги босқичга қўтарди. Унга қўра, жорий йилнинг ўтган даврида қўлмишидан астойдил пушаймон бўлган қўллаб аёллар озодлиқка чиқарилиб, оиласи бағрига қайтарилди.

Юртбошимиз Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисида тўғри йўлдан адашганларни кечириб ва соғлом ҳаётга қайтариш масаласига алоҳида эътибор қаратилгани муносабати билан 6 нафар маҳкума аёл озодлиқка чиқарилди. Улар билан суҳбатлашув давомида тўғри йўлдан адашган бу аёлларнинг кўзларидаги қувонч ёши, пушаймонлиги ва ўзини изтироби, фарзандлар соғинчи ва тўғри йўлга муштоқлиқни кўрдик. Уларнинг миннатдорчилик сўзлари самимий, қўллари эзгу дуога очилган эди.

## ҚУВОНЧДАН БОШИМ ОСМОНГА ЕТДИ

**Любовь БАСОНОВА,**  
Тошкент шаҳри:

— Турмушим ёмон эмасди. Бировдан олдинда, бировдан орқада фарзандларим бағрида яшаб юргандим. Нафс қутқуси билан гўёҳандлик савдосига қўл урдим. Қилмишимга яраша узоқ муддатга озодлиқдан маҳрум қилиндим. Ота-онам, болаларим кўзларида ёш билан мени панжара ортига қузатиб қўйди. Фарзандларимнинг мунгли нигоҳи жонимни бор ўртада, соғинч азоби минг бор ёндирди. Ҳар бир инсон учун, айниқса, аёллар учун энг катта бахт оила бағрида, фарзандлари ва яқинлари қўришовида тинч, шўрналик билан яшаш экан. Бу ҳақиқатни мен шу ерда англаб етдим. Тушқунликга тушиб, ҳаётдан тўйган, фарзандларим дийдоридан умид узиб ҳам қўйган бир пайтда “Сиз энди озодсиз. Оилангиз бағрига қайтиб, тинч ҳаёт кечиринг” дейишганида, қувончдан бошим осмонга етди. Дунёда ўзимни энг бахтиёр инсон деб билдим. Бехиётёр тилимизга шу сўзлар келди: “Бағрикенг, олийҳумнат элу юртимизни Оллоҳ ҳамиша ўз паноҳида асрасин. Шундай адолатли, инсонпарвар мамлакатда яшашнинг ўзи бахт. Бунинг қадрига етайлик”.

**Фарида ҚОРАҚУЛОВА,**  
“Инсон ва қонун” мухбири

# ДЕВОРГА ОСИЛГАН СУРАТ

**ОРИФ бошига тушган савдолардан сўнг маҳалла-кўй, қариндош-уруғларга кўриши бермай кўйди. Бунга унинг юз-хотири чидамасди. Фақатгина маҳалла четидаси ҳамдам бобони тез-тез йўқлар, у кишининг суҳбатларини тинглаб зим-зимистон кўнглига қандайдир ёруғлик ингандек бўларди. Аммо бу узокқа чўзилмас, уйга қайтиб келгач, деворда осиллик суратга термулиб бошлик чангаллаганча, яна унсиз йиғлаб ўз-ўзига савол беради. ҚАЧОН, ҚАЕРДА хатога йўл кўйдим?...**

Ориф мустақил ҳаётга кадам қўйганда, унинг турмуши риволуцияга эди. Ҳатто, кўпчилик унга хавас билан боқарди. Олий маълумоти, акли расо, касб-корли, топармон-турпармон йиғит бўлди. Унга жуфти-халол бўлиб келган Ханифа ҳам эсли-хушли, елиб югурадиган, уйим-жойим, дейдиганлардан чиқди. Улар тўйларидан сўнг бир-икки йил ўтиб, шаҳарга кўчиб кетишди, чунки Орифнинг иши шаҳарда эди. Қолаверса, у ишчанлик қобилияти, тиришқоқлиги туфайли раҳбарлар эътиборига тушиб, мансаб бобида ҳам тез юқорилай бошлади.

Орифнинг фарзандлари Дамин билан Динора ҳам улағайиб мактабга чиқиди. Етишмовчилик, бирон нарсасга зориқиш, қийинчиликлар бу оила учун ёт тушунчалар эди. Бўйи-бастига қарасанг, дўпнинг ерга тушадиган ҳовли-жой, остона хаглаб чиқсанг хизматингда кўришини одамни ҳаяжонга соладиган автоулов. Ҳа, аслида буларнинг барчаси Орифнинг истеъдоди ва қобилияти, меҳнати самараси.

Янги йил яқинлашиб қолди. Ориф уйдагиларга нима совга қилса-ю, уларнинг кўнглини олса, бир неча кундирки шуни ўйлайди. Пулдан муаммо йўқ, аммо нима олса бўлади? Гап шунда. Хуллас, Янги йил кутиладиган кун Ориф ишдан эртарок чиқди-да, ҳайдовчисига дўкон айланамиш, деди. Ҳайдовчи қатор дўконлар жойлашган кўчалардан секкин ҳаракатланар, Ориф эса дўкон пештоқидида ёзувларни ўқир ва овоз чиқармай нималарнидир гапириб борарди. “ГЎШТ МАҲСУЛОТЛАРИ дўкони — бу уйимизнинг ичиди ҳам бор, СУТ МАҲСУЛОТЛАРИ дўкони — бундан муаммо йўқ, КИТОБ дўкони — бу билан уйдагиларни хурсанд қилиб бўлармики? ЭЛИТА ТЕЛЕФОН АППАРАТЛАРИ дўкони — бундан нимадир топса бўлади” ҳайдовчисига машинани шу ерда тўхтаганини буюрди. Ориф дўконга кириб яқиндагина чиққан энг қиммат қўл телефонидан бир йўла тўрттасини харид қилди.

Уларни ҳайдовчисига тўтказар экан: “Оилангнинг бир хил телефон ишлагайлик, обрўга яраша”, деди. Машинага келиб ўтирган Орифга ҳайдовчис: “Майлими, китоб дўконига икки даққача кириб чиқсам”, дея хижолатомуз сўради. “Китоб дўконига нима қиласан сен?”, дея сўради Ориф. “Ўғлимга Янги йилга китоб совга қилмоқчи эдим”, деди ҳайдовчи. “Э, ҳайда машинани китоб совга қилишга бало борми? Мен сенга ўзининг эски телефонини берман ўшани совга қиласан, хурсанд бўлади”.

Ориф уйига келиб аёли, ўғли ва кизига олган телефонларини Янги йил совғаси сифатида таркатди. Ҳамма хурсанд, байрам байрамдек бўлди. Айниқса, интернет имкониятларини яхшигина тушуниб қолган Дамин билан Динорага бу совга жуда ёқиб тушди. Чунки қўлларидида телефон аппаратидан интернетга кириш, ундан фойдаланиш анча қулай эди-да.

Орадан бир-икки йил ўтди. Орифнинг кишлоққа бормаганига ҳам анча бўлиб кетганди, дам олиш куни Ориф фарзандларини олиб ота ҳовлисига жўнади. Тўқсонга бориб қолган Нурали бобо ўғлини бағрига босиб кўришар экан: “Бизни унутиб қўйдингми, деб ўйлагандим”, дея ҳазиломуз гап қотди. Кишлоқда бир ярим кунгина бўлган Ориф отасига “Биз энди кайтамиз”, деди. Нурали бобо ўғлининг юзига қаради-да сўнг дастурхонга термулганча: “Ўғлим, анча ўзгарисан, келганиндан бери мундоқ очилиб суҳбат ҳам қилмадинг, нукул қўлингдани чукалаганинг чукалаган (телефонни назарда тутмоқда). Ўзи қарасам келиннинг ҳам,

невраларнинг ҳам шу нарса қўлидан тушмади”. “Ота бунда имконият кўп-да, хоҳласангиз бутун дунё янгиликларидан хабардор бўласиз, хоҳласангиз чет элликлар билан танишингиз ҳам мумкин. Хуллас, бунда имконият кўп, ана, невараларнинг ҳам шу орқали кўп нарсаларни ўрганаётиш”.

Нурали бобо ҳовлидаги сўрида оёғини чалиштирганча телефонга термулиб ўтирган неварасига кўз қириши ташлар экан: “Ҳа, шунақа дегин, лекин бунга муқкасидан кетиб йўлни йўқотганларини ҳам эшитиб, кўриб юрбимизку. Мана, сени ёшлигингда қўлингдан китоб тушмасди, шунинг учун ўқиганга ҳам қийналмадсан кириб, яхшигина касбинг этагидан тутдинг, мана, бугун еганинг олдинда, емаганинг кетингда. Шунинг учун болаларингни ҳам кўпроқ китобга қизиқтирсанг яхши бўлармиди, дейман-да”.

Ориф оиласи билан шаҳарга қайтган, одадгадек эр-хотин ўз иши билан, фарзандлари эса ўқиш билан банд бўлишди. Фақат Дамин сўнгги вақтларида ўқишга номинатгина борар, асосий вақтини интернет орқали танишган хуфийна ўртоқлари билан нималарнидир муҳокама қилишга, қандайдир режалар тузишга сарфларди. Ҳатто, кечкурунлари ҳам дастурхон бошига келмай, ўз хонасида интернетни кузатиб ўтирарди. Бу ҳолга на ота, на она хавотирланди. Улар ҳам дастурхон бошида кам гаплашар, гоҳида дастурхон ҳам очик қолиб турли хил олди-қочди ижтимоий тармоқ хабарларини “забт” этиш билан шуғулланарди.

Шу зайдла ўтаётган кунларнинг бирида Дамин уйга келмай қолди. Телефон ҳам ўчирилган. Бундан саросимага тушган ота-она таниш-билишларга кўнгирик ҳам қилиб чиқиди. Аммо Даминдан дарак йўқ. Шу пайт Динора акасининг хонасидан қандайдир хат кўтариб тушди-да ота-онасига акам чет элга чиқиб кетганга ўхшайди, дея қўлидаги хатни кўрсатди. Ориф хатни олиб ўқиди-ю ранги ўчиб, деворга суянганча икки қўли билан бошини чангаллади. Нима қилиб кўйдим?...

Дамин ота-онасига шундай хат қолдирган эди: “Дада, ойи, мен сизларни яхши кўраман, фақат сўнгги йилларда оиламизда муҳит мени зериктирди. Интернетда чет эллик бир “тўда бошиси” билан танишган эдим, унинг гоғларига кизга, амалга ошироқчи бўлаётган ишларига қизиқиб қолдим. Шу боис, уларнинг олдида кетдим. Мабодо, мен қайтмасам, мени қидирманглар! Дарвоқе, синглимга хушёр бўлинглар, у интернетда қандайдир чет эллик билан танишиб, гаплашиб юрганга ўхшайди. Ҳар ҳолда киз бола сизларни уятга қолдирмасин яна. Дамин”.

Орадан икки йил ўтди. Даминдан ҳамон дарак йўқ. Шу орада Динора ҳам ажнабийга кўнгилик қўйиб, чет элга кетиб қолди. Орифнинг қадди дол бўлиб, сочлари оқарган. У на ишга чиқди, на кўча-кўйга. Фақат деворга осиб қўйилган суратга қараб ўқиб-ўқиб йиғлайди. Расмда Ориф мактабни тугатаётганда отаси Нурали бобо уни бағрига босиб, китоб совга қилаётган ҳолат муҳрланган.

Дарвоқе, Орифнинг ҳайдовчиси ўша янги йил кунини хўжайинини уйига қўйиб, китоб дўконига қайтиб боради ва ўғлига китоб совга қилади. Бугун унинг ўғли Қосимжон энг нуфузли университетларнинг бирига ўқиган қирди.

**Ёрбек ИСКАНДАРОВА,  
“Инсон ва қонун” мухбири**

## Тинчлик — бугунги ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АСОСИ

**БУГУН республика-  
мизда жами соҳа-  
ларда ислоҳотлар  
изчил давом этти-  
рилиб, суд-ҳуқуқ  
тизимини либерал-  
лаштириш, кичик  
ва ўрта бизнес  
ҳамда тадбиркор-  
лик фаолиятини  
қўллаб-қувватлаш,  
ишбилармонлар-  
нинг ҳуқуқ ва эркин-  
ликлари кафола-  
тини таъминлаш  
борасида салмоқли  
ишлар амалга оши-  
рилмоқда. Мамла-  
катимизни иқтис-  
одий ривожлан-  
тиришнинг асосий  
вазифалари қато-  
рида барча соҳада  
қонун устуворли-  
гини таъминлаш  
муҳим аҳамиятга  
эга, албатта.**

Шу азиз юрт фуқаролари сифатида ҳар биримизнинг шахсий ҳаётимизда, оиламизда, маҳалламизда, меҳнат жамоамизда ёки илмий-ижодий фаолиятимизда юз берган ўзгаришлардан қувонмаслик, ғурурланмаслик мумкин эмас. Ислоҳотлар шароитида кечаётган умримизнинг ҳар лаҳзаси ўзининг буюк келажаги сари дадил қадам ташлаётган юртимизнинг тинчлиги билан янада гўзалроқ кўрина-

ди. Тинчлик — бугунги ислоҳотларнинг асоси. Демак, тинчлигимизнинг қадрига етишимиз, ислоҳотларимизни-да хурматлаш билан баробар бўлади. Тинчликдек бебаҳо неъматни ўзбек халқи каби улуғлайдиган, қадрлайдиган эл камдан-кам бўлса керак. Яқдил халқ сифатида баҳамжихат улугвор бунёдкорлик ишлари, юксак тараққиётга эришимиз ҳам мана шу юртдаги бирдамлик, барқарорлик ортдан амалга ошади. Атрофимизда рўй бераётган жараёнларга тўғри ва холис баҳо бериб, уларга дахлдор эканлигимизни ҳис қилишимиз керак.

Ҳозирги вақтда уруш олови алангаланган минтақалардаги айрим давлатлар аҳолиси ўзлари йўл қўйган хатоларнинг, бировларнинг ногорасига ўйнашнинг жабрини тортмоқда. Дунёда кейинги 10 йилликларда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисалар шуни тасдиқламоқдаки, ҳар қандай жойда уруш ёки инқилоб қилиш учун жиловсиз нафс ва манфаатнинг ўзи етарли. Марказий Осиё минтақаси ҳам бундай хавф-хатарлардан холи эмас. Заминимиз минерал ва энергетика манбаларига бой ўта муҳим стратегик ҳудуд ҳисобланади. Йирки савдо йўллари мана шу минтақадан ўтади.

Турли ички ва ташқи таҳдидлар кучайиб бораётган ҳозирги шароитда хавфсизлик ва

барқарорликни қандай сақлаб қолиш мумкин? Танланган йўлдан оғишмай ривожланиш позициясини қандай белгилаш мумкин? Албатта, бунинг жавоби ҳар бир инсоннинг ўзида, миллатини, халқини асрашда, тинчлигини абадий таъминлашда.

Она юртимизнинг қувончи ҳам, ташвиши ҳам ўзимизники, юртимиз дунёнинг энг тараққий этган давлатларини сифатида бўлиши ҳам халқимизнинг ҳеч қимдан кам бўлмаган ҳаёт фаровонлигига эришиши ҳам бизга, бизнинг қандай ҳаракатланишимизга боғлиқдир. Барчамиз, аввало, юртимизнинг тинч, осойишта ва тараққий этиши учун жонбозлик кўрсатишимиз керак.

Халқимизнинг эзгу ниятлари-ю орузу-мулоқларини ифодаловчи, асрлар давомида эъзозланган келинаётган юрт тинчлиги, миллатлараро тотувлик, халқ фаровонлиги каби миллий гоғларимиз ҳар бир фуқаронинг юрагида. Бу гоғлар ҳар биримизга куч-ғайрат бағишлайди, келажакка ишонч уйғотади. Миллий гоғларимизни ёшлар ўртасида қанчалик кўп тарғиб этсак ва ёшлар онига сингдирилмас мустақил давлатимиз шу қадар кўп куч-қудратга тўлади, давлатимиз эса қиссаларвадиди.

**Фарҳодбек ОҚИЛОВ,  
Андижон шаҳар  
адлия бўлими катта  
маслаҳатчиси**

## Адлия бўлимининг аралашувидан сўнг БАНК ФИЛИАЛЛАРИ КРЕДИТ АЖРАТДИ

ТЕРМИЗ туман адлия бўлими томонидан тумандаги 4 та сектор билан келишилган ҳолда сайёр қабуллар режаси тасдиқланган ва ушбу режага асосан туман адлия бўлими томонидан сайёр ва шахсий қабуллар ўтказиб келинмоқда.

Адлия бўлими 2019 йил давомида 178 та шикоят ва муурожаатларни ўрганиб чиқди, шундан 116 таси шахсий ва сайёр қабуллар давомида ўрганилиб, тегишли тарзда қаноатлантириш чоралари қўрилди.

Жумладан, Термиз тумани “Учқизил” маҳалласида яшовчи фуқаролар Ҳайитова Гулсара ва Худойбердиева Нурия, “Наврўз” маҳалласида яшовчи Алмуратов Дилафруз, “Гулистон” маҳалласида яшовчи Саломова Жамила, “Қаҳрамон” маҳалласида яшовчи Илмуратова Лутфия ва “Термиз” маҳалласида яшовчи фуқаро Саитова Дилором Термиз туман адлия бўлимининг шахсий қабулида бўлиб, тикувчиликни ривожлантиришларида тикув машиналарини сотиб олиш учун “Ҳар бир оила тадбиркор” давлат дастури доирасида имтиёзли кредит маблағлари ажратилмаётганлигидан норози бўлиб муурожаат этди.

Термиз туман адлия бўлимининг аралашуви билан, фуқаро Ҳайитова Гулсарага “Микрокредитбанк” АТБ Учқизил филиали томонидан 10 миллион сўм, Худойбердиева Нурияга “Микрокредитбанк” АТБ Учқизил филиали томонидан 10 миллион сўм, Алмуратов Дилафрузга “Микрокредитбанк” АТБ Учқизил филиали томонидан 3 миллион 850 минг сўм, Илмуратов Лутфияга “Ағробанк” АТБ Термиз филиали томонидан 4 миллион 300 минг сўм, Саитова Дилоромга АТБ “Капиталбанк” Термиз филиали томонидан 3 миллион 950 минг сўм миқдоридида имтиёзли кредит маблағлари ажратилди ва таъминотчи корхоналар томонидан фуқароларга тикув машиналари тўлиқ етказиб берилди. Юқорида номлари қайд этилган фуқаролар тўлиқ иш билан таъминланди.

**Баҳодир АШУРОВ,  
Термиз туман адлия бўлими бошлиғи,  
Алибек ТЕМИРОВА,  
Термиз туман адлия бўлими етакчи  
маслаҳатчиси**

## НОН ОЛИШ УЧУН КОМПЕНСАЦИЯ БОРМИ?

— УН ва қолипни нон харид қилиш учун компенсация берилади, деб эшитган эдим, шундай компенсация борми ва у қерда тўланади?

Нурали ОҚИЛОВ,  
Тошкент вилояти



— Ҳа, мавжуд. Қуйидаги шахслар учун ун ва қолипни нон харид қилиш бўйича қўшимча харажатларни қоплаш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдоридан ҳар ойлик пул компенсацияси тўланади:


- ёшга доир, ногиронлиги бўйича нафақа, боқувчисини йўқотганлик пенсияси ва нафақаси, болалигидан ногирон бўлган 16 ёшдан катта шахсларга нафақа, ногирон бўлган 16 ёшгача болаларга нафақа, шунингдек, ёшга доир пенсиянинг белгиланган миқдоридан кам пенсия ва нафақа бўйича ҳар бир нафақа олувчига;
- бола икки ёшга тўлгунча қадар уни парвариш қилиш бўйича нафақа олувчи ҳар бир оилага;
- ўзини ўзи бошқариш органлари орқали моддий ёрдам олувчи кам таъминланган оилага.

Пул компенсацияси пенсия ва нафақалар тўланиши учун масъул бўлган органлар томонидан ҳисобланади ва қайд этилган пенсия ҳамда нафақалар билан бир вақтда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланади.

## ТАЛАБА НИМАГА ЎҚИШДАН ҲАЙДАЛАДИ?

— Талабалар олий таълим муассасасидан қандай ҳолларда, қандай сабаб билан четлаштирилади?

Жамшид Холиёров,  
Тошкент шаҳри



— Қонунчиликка биноан талабалар қуйидаги ҳолларда олий таълим муассасасидан четлаштирилиши мумкин:


- ўз хоҳишига биноан;
- ўқишнинг бошқа таълим муассасасига кўчирилиши муносабати билан;
- саломатлиги туфайли (тиббий комиссия маълумотномаси асосида);
- ўқув интизомини ва олий таълим муассасасининг ички тартиб-қоидалари ҳамда одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлиги учун;
- бир семестр давомида дарсларни узрли сабабларсиз 74 соатдан ортиқ қолдирганлиги сабабли;
- ўқиш учун белгиланган тўлов ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли (тўлов-контракт бўйича таҳсил олаётганлар учун);
- талаба суд томонидан озодликдан маҳрум этилганлиги муносабати билан;
- суд қарорига кўра, кириш имтиҳонларида белгиланган тартибни бузганлиги аниқланганда (ушбу ҳолатда талабалар сафидан четлаштирилганлар талабалар сафига қайта тикланмайди);
- вафот этганлиги сабабли.

Ҳарбий хизматни ўташ, саломатлигини тиклаш, ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек, болаларни парвариш қилиш таътиллари даврида талабага Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган тартиб асосида академик таътил берилиши мумкин.

## ТАЪТИЛ ВАҚТИНИ ЎЗГАРТИРИБ БЎЛАДИМИ?

— ТУРМУШ ўртоғим ҳомиладор, ишдан таътил вақтим келганини айтишди. Таътил вақтини турмуш ўртоғимнинг ҳомиладорлик таътили вақтида олишим мумкинми?

Ойбек НУРИЛЛАЕВ,  
Бухоро вилояти



— Ҳа, мумкин. Ишлаётган эркакларга йиллик таътил уларнинг хоҳишларига биноан хотинларнинг ҳомиладорлик ва туғиш таътили даврида берилади. Таътидан фойдаланишнинг жадвалда белгиланган вақти ҳодим билан иш берувчининг келишувига кўра ўзгартирилиши мумкин. Таътил бериш вақти ҳақида ҳодим таътил болалишидан камида ўн беш кун олдин хабардор қилиниши керак.

Шунингдек, қуйидаги ҳодимларга таътил уларнинг хоҳишига кўра ёзги ёки улар учун қўлай бўлган бошқа вақтда берилиши лозим:

- ўн тўрт ёшга тўлмаган битта ёки ундан ортиқ болани (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани) тарбиялаётган ёлғиз ота, ёлғиз онага (бева эркаклар, бева аёллар, никоҳдан ажрашганлар, ёлғиз оналарга) ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига;
- I ва II гуруҳ ногиронларига;
- 1941 – 1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари бўйича уларга тенглаштирилган шахсларга;
- ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга;
- таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқийётганларга;
- жамоа шартномаси, келишувидан назарда тутилган бошқа ҳолларда.

## САНАТОРИЯГА БЕПУЛ ЙЎЛЛАНМА БОРМИ?

— Даволаниш учун санаторияга бормоқчи эдим. Санатория-курортларга бепул йўлланмалар кимларга берилиши ҳақида маълумот берсангиз.

Шодия Азизова,  
Фарғона вилояти



— Қонунчиликда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг кексалар ва ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторийларига бепул йўлланмалар бериш белгиланган.

Йўлланмалардан фойдаланувчи ногиронлар ва кексалар тоифасига қуйидаги шахслар киради:

- уруш ногиронларига ва қатнашчиларига тенглаштирилган шахслар;
- ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг бева хотинлари (бева эрлари);
- республика аҳамиятига молик шахсий пенсия олувчи шахслар;
- Чернобыль АЭС ҳалокати оқибатида нурланиш касаллигига чалинган ва уни бошидан кечирган шахслар, шунингдек, Чернобыль ҳалокати сабабли ногирон бўлиб қолган шахслар;
- ядро полигонлари ва бошқа радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган шахслар;
- I ва II гуруҳ ногиронлари, кўзи ожиз I гуруҳ ногиронини кузатиб борувчи шахс;
- ёлғиз кексалар;
- ёшга доир пенсионерлар.

## БОҒЧАДАГИ БЎШ ЎРИНЛАРГА БИРИНЧИ БЎЛИБ ЖОЙЛАШТИРИЛАДИГАН БОЛАЛАР

— БОЛАЛАРНИ давлат мактабгача таълим муассасаларига жойлаштиришда кимларга имтиёз берилади?

Зиёда АБДУСАИДОВА,  
Поп тумани



— Қуйидаги шахсларга боғчага жойлашишда имтиёзлар мавжуд:

- ногирон бўлган шахсларнинг болалари;
- уч нафар ёки ундан кўп болалари бўлган оилаларнинг болалари;
- ҳарбий хизматчиларнинг ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг болалари;
- талабалар ва педагогларнинг болалари;
- етим болалар ёки ота-онасининг қаровисиз қолган болалар;
- бошқа муассасалардан ўтказилган болалар;
- акалари ёки опалари ушбу муассасанинг тарбияланувчилари жумласидан бўлган болалар.

Бунда мазкур рўйхатдаги болаларга боғчада бўш ўринлар мавжуд бўлганда, биринчи навбатда, йўлланма берилади.

Саволларга Адлия вазирлиги масъул ходими  
Дилмурод РАЖАБОЕВ жавоб берди.

## ВОЯГА ЕТМАГАН ФАРЗАНДИМ ИШЛАСА БЎЛАДИМИ?

— ҲОЗИР болалар ёзги таътилга чиққан пайт. Фарзандларини бўш қолмаслиги учун ота-оналар уларни бирор йомуш билан банд қилишга ҳаракат қилади. Қонунчилигимизга кўра, вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланиш мумкинми?

Оқила НАЗАРОВА,  
Тошкент шаҳри



— Амалдаги меҳнат қонунчилигига кўра, ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) ўзларининг вояга етмаган болаларини меҳнатидан фойдаланишда боланинг соғлиғи ҳолати ва касалланишининг олдини олишга жавобгардир. Хусусан, ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) ўзларининг вояга етмаган болаларини бўш қолмаслиги учун уларни меҳнатга жалб этишда қонун талабларига риоя этишлари шарт. Масалан, оилавий тадбиркорликда оиланинг вояга етмаган ўн беш ёшга тўлган аъзоси иштирок этиши мумкин. Шунингдек, ўн олти ёшга тўлганда буюмлар ёки товарлар (ишлар, хизматлар)ни тайёрлаш учун хунарманднинг шогирди, ўн беш ёшга тўлган шахс ота-онасидан биттасининг (уларнинг ўрнини босувчи шахсининг) ёзма розилиги билан хунарманднинг шогирди сифатида жалб этилса бўлади.

Вояга етмагани оилавий тадбиркорликда, шунингдек, хунарманднинг шогирди сифатида иштирок этишига умумтаълим мактаби, касб-хунар коллежи ёки академик лицейда ўқиши шартли билан, агар у қонун ҳужжатларида белгиланган давлат таълимнинг тўлиқ курсини тугатмаган бўлса, йўл қўйилади.

Саволга Мирзо Улуғбек тумани адлия бўлими масъул ходими  
Аброр БЕРДИЕВ жавоб берди.

## “Ўқишга киритиб қўяман!..” Абитуриентларни алдаган “ҳожатбарор”



ОЛИЙ ўқув юртига кириш имтиҳонлари яқинлашгани сари “Ўқишга киритиб қўяман”, деган кимсалар кўпайиб қолади. Мақсад аниқ — “Ўлжа”ни топиб пулини олиш. Аммо масаланинг муҳим томони шундаки, ўша “ҳожатбарор”ларнинг абитуриентни имтиҳонларга пухта тайёрлаб, ўқишга киритишига ҳеч қандай кафолат йўқ. Улар ўқишга киритиш баҳонасида керакли пулни олади-да, кейин жуфтакни ростлаб қолади.

Нормурод Шеров (исм-фамилиялар ўзгартирилган) олий маълумотли, бир нафар фарзанди бор йигит. Нуфузли университетда ўқитувчи бўлиб ишласа-да, пул топишнинг осон йўлини ўйлаб юрган кезлари Мақсуд Нуриддинов билан танишиб қолади. Мақсуд суҳбат чоғида Н.Шеровга айтиб берибдики, жияни мактабни битириб олийгоҳга киришга тайёрларлик кўраётганлигини айтиб, имтиҳондан ўтишда ёрдам беришини сўрайди. Нормурод эса Мақсудга ўқишга киритиш ваколати йўқлигини, аммо ўқишга киритишда ёрдам берадиган танишлари борлигини айтибди.

Шунда Мақсуд: “Жияним анчадан бери кучли ўқитувчилар ёрдамида тайёргарлик кўриб келаяпти. Ҳар эҳтимолга қарши олдини олиб қўйган яхши. Мабодо 1-2 балл етмай қолса ёрдам берасиз. Кира олмаган тақдирда пулни қайтариб берасизми?”, деб сўрайди.

“Ўқишга киритиш осон иш эмас. Ака, кўнглингиз тўқ бўлсин. Мени ким деб ўйлаясиз. Менинг танишим чакана одам эмас. Жуда юқори лавозимда ишлайди. Исмлари “Лобархон”, дея Нормурод унинг қўйини пуч ёнгоҳқа тўлдирди. Н.Шеров қармоққа илинган “лаққа балиқ”ни ўша танишининг ёнига бошлаб боради. Н.Шеров Л.Холмуродовга жияни ўқишга келганини айтиб, қайси факультетга топширгани маълум деган маънода савол беради. Табиийки, шум мақсадидан беҳабар Л.Холмуродова унга қариндошининг ўқишга ҳужжат топширишда муаммо бўлса қонуний ёрдам беришини, лекин бошқа ёрдам бермаслигини айтиб, уларни хонадан чиқариб юборади.

Шундан сўнг, Мақсуд ва Нормурод 2018 йил 6 май кuni 12:00 да университетнинг эски биноси ёнида учрашади. Суҳбат чоғида Н.Шеров М.Нуриддиновдан қариндошини ўқишга киритиш учун қанча пул беришини сўрайди, Мақсуд ҳозирча 7-8 минг АҚШ доллари миқдорига пули борлигини, қариндоши ўқишга киргач эса унга яна алоҳида пул беришини айтибди.

Гапни бир жойга қўйган “оғайни”лар 2018 йил 17 май кuni университет биносига қўришишга келишиб олишади. Ўша кuni фарибгар Мақсуддан унинг жиянини ўқишга киритиш учун 8.000 АҚШ доллари (64.206.640 сўм)ни олаётган вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ашёвий далиллар билан қўлга олинади.

Суд, айбланувчи Н.Шеровга жазо тайинлашда унинг айбига тўлиқ иқроғлиги, қилмишидан чин кўнглидан пушаймонлиги, илгари судланганлиги, оилавий аҳволи, яшаш ва иш жойидан ижобий тавсифланганлигини инобатга олиб, унга тегишли жазо тайинлади.

**Алишер РАИМБЕРГЕНОВ,**  
Бош прокуратура хузуридаги Департаментнинг  
Олмазор туман бўлими бошлиғи

ОТАБЕК Сафаров (исм-шарифлар ўзгартирилган) меҳнатта бўйни ёр бермай, мўмай даромад топиш дардига чалинди. Йўқса, туппа-тузук ишлаб турган жойидан бўшармиди? Собиқ қоровул бир пайтлар ўзи ишлаган туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси атрофида “текин ўлжа” илинжида тентираб юрган кезлари билан танишиб қолди. Ўзaro суҳбат қилиб, Жасурнинг ушбу тиббиёт бирлашмасига ишга кириш нияти борлиги аён бўлди. Ишга кириш учун мутахассислиги ҳам тўғри келишини айтиди. Жасурнинг гапидан кейин собиқ қоровул шифохонанинг янги бош шифокори билан яқин алоқаси борлигини, ишга киришига ёрдам беришини айтиб лоф тўқиди. Отабек гўёки ўзини тиббиёт бирлашмасидаги масъул лавозимда ишлайдиган ва ходимларни ишга қабул қилиш ваколати бордек кўрсатиб, Жасурни бош шифокор билан гаплашиб ишга жойлаштириб қўйишини ваъда қилди. “Сиздан угина биздан бугина” қабили-

## Собиқ қоровулнинг ҚИНФИР ИШИ

да иш тутди. Яъни, ишга киритиб қўйиш эвазига 400 АҚШ доллари миқдорига пулни талаб қилди. “Бу пулларнинг ўз жойи бор, бош шифокорга бераман”, деб Жасурни қизиқтирди. Ҳайратланарлиси, бош шифокорнинг бундан мутлақо хабари йўқ эди. Келишув биттач, айтилган пулни олиш учун улар учрашув жойини белгилаб олишди.

Бироқ Жасурнинг бу келишувдан тинчи бузилиб, кўнглига шубҳа оралади. Шу сабаб ноқонуний ишнинг оқибатини ўйлаб, тегишли жойга мурожаат этди. Тузилган режага кўра, Отабек Жасурнинг олдига Акмал исмли танишининг машинасида борди.

Айтилган учрашув вақти, соат 12:30 ларда улар туман тиббиёт бирлашмаси олдида қўришишди. Жасур ваъда қилганидек, 400 АҚШ долларини олиб келганлигини айтиди. Собиқ қоровул қўлига қўнган “ҳаром лўқма”нинг мазасини татишга улгурмади. Шу ёрнинг ўзида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари унинг қўлига кишан солишди.

О.Сафаров қилмишига яраша суд томонидан тегишли жазога тортилди.

**Темур АЛПАМАТОВ,**  
жиноят ишлари бўйича  
Каттақўрғон туман суди судьяси

## ЎРАГА “СИЧҚОН” ТУШДИ...



устахонасида янги “харидори” Ражаббойни пойларди. Эндигина кеч тушган, совуқ эди. Вақт ўтиб, қоронғилик ичига Ражаббой кўринди. Тўғри Оллоёрга юзма-юз келди.

— Келдингизми? — деди Оллоёр ичи танг бўлиб.

— Келдим, узр, бироз куттириб қўйдим-а! — деб ўзини оқлаган бўлди Ражаббой.

Улар панароққа ўтди. Ражаббой сўз очди.

— Менда икки минг олти юз АҚШ доллари бор. Ўзимизникига айлантириб берсангиз.

— Яхши. Ҳисобини чиқариб қўйганман. Мана, бу ерда “кўк”ингизни сотиб олишга етадиган сўм. Олинг...

Ражаббой оғиргина, кўп ҳажмли сўмдаги пулларни олиб, икки минг олти юз АҚШ долларини Оллоёрга тутқазди. Шу пайт ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари пайдо бўлди.

— Сен билармингиз, — деди Оллоёр “харидори” Ражаббойга ваҳми кўзиб. Лекин Ражаббойдан сас-садо чиқмади...

...Суд мажлиси. Оллоёр қилмишидан пушаймонлигини айтиди. Айбини енгиллаштиришларини сўради. Айби енгиллашди-ю, лекин ҳаётига қора доғ тушиб қолди. Унга қилмишига яраша жазо тайинланди ва у каттагина миқдордаги жарима пулини тўлаб берадиган бўлди.

**Олимбой МАШАРИПОВ,**  
жиноят ишлари бўйича Хива шаҳар суди судьяси

РАЖАББОЙ (исм-шарифлар ўзгартирилган) кўчада кетиб бораркан, оддий фуқаро кийимидagi ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари унинг қаршисига пешвоз чиқиди. Ўзларини таништириб, чет эл валютасини олиш ва сотиш билан шуғулланиб, ноқонуний даромад топаётган шахсларни аниқлаш юзасидан тадбир ўтказаятганликларини тушунтиришди.

— Бизга бир жиноий ишни очишда кўмаклашиб юборсангиз, — деди Ражаббойга расмийлардан бири. Жиноятни яширган ҳам жиноятчи бўлади. Аммо уни ошкор қилиш, келгусидаги жиноятларнинг ҳам олдини олишга асқотади. Шундай эмасми?

Ражаббой аввал ўйланди. Кейин бу ишда ҳолис сифатида иштирок этиб беришга кўнди. Унга махсус икки минг олти юз доллар миқдорига пулни тутқаздиши...

Қиш кунларининг бирида Оллоёр отасининг

## ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ ҚАРОР ЛОЙИҲАСИ ТАЙЁРЛАНДИ

**26 июнь — “Халқаро гиёҳвандликка ва гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланлишига қарши кураш куну” муносабати билан 1 тонна 27 килограмм 911 грамм миқдордаги гиёҳвандлик воситалари Давлат хавфсизлик хизмати томонидан ташкил этилган тадбирда ёқиб йўқ қилинди. Ушбу гиёҳвандлик воситаларининг 7 кг 757 грами героин, 195 кг дан ортиғи опий, 550 кг дан ортиғи марихуана, 56 кг дан ортиғи гашишдир.**

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар инсон соғлиги ва хавфсизлигига жиддий таҳдид солади, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий негизига, аҳолининг жисмоний, руҳий ва маънавий оламига, келгуси авлоднинг саломатлигига салбий таъсир кўрсатади. Шунингдек, бу иллат уюшган жиноятчилик илдиз отишига олиб келади. Шу боис бугунги кунда мамла-

тимизда гиёҳвандликнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни янада кучайтиришга қаратилган амалий ишлар қилинмоқда. Зарурат тақозоси ўларoқ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори

лоийҳаси тайёрланди.

Қарор лойиҳасида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар билан боғлиқ ишларни кўришда қонунлар тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш, мазкур тоифадаги ишлар бўйича одил судлов сифатини ошириш асосий мақсад этиб белгиланган. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш баҳоланиб, унинг қонунда ман этилган барча турлари бўйича батафсил тушунтиришлар билан бирга, айрим жиноий ҳаракатларни тўғри квалификация қилиш бўйича кўрсатмалар берилган. Шунингдек, қарор лойиҳасида суд амалиётида қийинчилик туғдириб келаётган кўплаб масалалар ўз ечимини топиши мумкинлиги кўрсатилган.

Тақиқланган “наркобизнес”-нинг аксарияти бошқа мамлакатлардаги жиноий гуруҳ билан алоқаси бўлган уюшган гуруҳлар томонидан содир этилмоқда. Халқаро экспертларнинг маълумотларига кўра, Афғонистон гиёҳвандлик воситаларини етиштириш бўйича жаҳонда биринчи ўринларда турадиган давлатлардан саналади. Албатта, ушбу давлатга қўшни бўлган мамлакатимиз учун ҳам маълум даражада хавф туғдираётганлигини алоҳида қайд этиш зарур. Ўтган 2018 йилда Афғонистонда кўкнор етиштириладиган майдонлар 263 минг гектарни, ишлаб чиқилган опий миқдори 6400 тоннани ташкил этган. Афғон наркотикларини Ўзбекистонга асосан, Тожикистон ва Қирғизистондан ҳамда тўғридан-тўғри Афғонистондан Амударё орқали Сурхондарё ви-

лоятига, жанубий-шарқдан Самарқанд ва Сирдарё вилоятларига ҳамда шимолий-шарқдан Фарғона водийси ва Тошкент вилоятига олиб кириш ҳолатлари учрамоқда.

Табиийки, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар билан боғлиқ қонунбузарликлар кўпичина фуқароларнинг амалдаги тартиб-қоидаларни яхши билмасликлари оқибатида келиб чиқади. Шу боис улар қилмишлари фош бўлганда, божхона қонунчилигидан хабардор эмасликларини пеш қилишмоқда. Лекин қонунни билмаслик ҳеч кимни жавобгарликдан озод этмайди.

**Беҳзод УМИРОВ,**  
жиноят ишлари бўйича  
Олмазор туман суди судьяси

Довоми. Бошлониши 1-бетда

# ХУҚУҚИЙ ПЕДАГОГИКАДА ТАРБИЯ

## ОЛИЙ ТАЪЛИМДА УНИ ҚАНДАЙ ҚўЛЛАШ КЕРАК?

Буюк мутафаккир шогиримиз Алишер Навоий томонидан 1481-1482 йилларда ёзилган "Вақфия" асарига илмпарварлик ва инсонпарварлик ғоялари асосида ҳатто унинг мударрислар ва талабалар моддий таъминотида гамхўрлик қилганлигини кўраемиз. Хусусан, мазкур асарда мударрисларга ҳар йили икки ўз оптиндан маош белгиланганлиги, ҳар ойда икки қопдан бугдой ва арпа нои учун ҳамда отининг еми учун берилганлиги қайд этилган. Навоий талабаларининг икки халқа (гуруҳга бўлиб), бир гуруҳнинг сонини 11 дан оширмаганлиги ҳам теран билан олишга мўлжалланган тадбир бўлиб, агар ҳар бир гуруҳда 20 ва ундан ортқ талаба бўлса, мударрис уларнинг ҳар бирига етарлича эътибор беролмай қолади, деб ҳисоблаган. У талабаларни қобилияти ва яхши ўқишга қараб уч тоифага бўлгани ва у даража маош (ҳозирги замон тилида стипендия) белгилангани ҳам диққатга сазовордир.

### МУТАФАККИРИМИЗ ИЛМИНИ ЖАҲОН ТАН ОЛАДИ. БИЗ ЭСА УЛАРНИ ЎРГАНМАЯПМИЗ

Буларни нега айтаяпмиз? Улут мутафаккирларимиздан буюк мерос қолганлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Лекин уларни ўрганиш масаласи эса...

Қайси олий таълим муассасасида ўқув жараёнига улут асосларининг асарларидан фойдаланилганлиги, деб айта оламиз? Ваҳоланки, кўплаб чет эл олий ўқув юртиларида бугун Ибн Сино, Ал-Фаробий, имом ал-Бухорий, Бурхониддин ал-Марғиноти асарларини махсус фан сифатида ўқитишарди.

Фикримизни ҳуқуқий таълим берадиган ўқув юртилари мисолида давом эттироқчимиз. Ҳуқуқшунос талаба педагогик фаолиятга махсус ўқитилмайд. Аммо ҳуқуқшунос ўқитувчи фақатгина ўз фанини билиши етарли эмас, у ёки бу даражада педагогик маҳорат, педагогик жараён, унинг турли шакл ва услублари, касбий психология ва этикани ҳам яхши тушуноғи лозим. Бу даргоҳни тамомлаган ҳуқуқшуносни халқ орасига йўллаймиз. Демак, у мулоқот маданиятини мустаҳкам даражада билиши зарур. Шу билан бирга хулқ-атвори муносиб бўлиши керак. Ҳўш, агарки, олий ўқув юртиларида бу жиҳатларга эътибор қаратилмас экан, унда бу тарбияни бўлажак кадрлар қаердан ҳам оларди?

Бугун "инглиз ҳуқуқи", "инглиз маданияти", "инглиз тили" тушунчаларига тамомила кириб бораёпмиз. Ҳуқуқшунослиқда хоржий амалиёт "берилиб" ўрганилмаяпти. Ҳозир кўплаб олий таълим даргоҳлари каби бизнинг университетда ҳам педагогиканинг замонавий услубларига, асосан, хорж таърибисига таянилмоқда. Албатта, хоржининг энг илғор таърибисини ўрганишнинг кўпгина афзал жиҳатларини инкор этиб бўлмайди. Лекин қанчалар фикршунос аллоларимиз, адалатпеша ва тадбирли қозилқолларнинг таърибисини тарихий қўлёмалар орқали бизга мерос қолган. Аслида уларнинг илмини замонавий амалиётга қўллашимиз керак эмасми? Бу ихлос қўяганимиз шунки хорж услуби ҳам шарқ олимларининг бой меросини ўрганиш асосида шу даражага етмаганмиди? Мутафаккирларимиз таърибисини жаҳон тан олиб турган бир пайтда биз уларни ўрганмаслигимиз нақадар ачинарли.

### УНИВЕРСИТЕТ БИНОСИГА ҚАДАМ БОСАМАН

Юз йиллик аъёналарга эга университетимиз биносининг ҳар бурчига бир-бир қадам босаман. Бирор жойда улут аллоларларни, уларни босган йўлини англавчи сурат ёки бошқача тарвири кўрмайман. Зеро бу даргоҳдан неча-неча ҳуқуқ илмининг билимдонлари чиққан эди. Биз уларнинг босган изидан юриб шу ерча келган эдик. Авлодларимиз илмий меросни ўзи хоҳиш билдириб ўрганиши учун биз уларнинг кўз ўнгига улар сиймосини яраттишимиз керак эмасми? Талабалар улутларнинг фикр илмига, ҳуқуқшунослик илмига қўшган ҳиссасини тан олиб, улар руҳини сезиб, шу билан маънавиятини тўйинтириб таҳсил олиши қандай соз бўларди. Яқинда мен Санкт-Петербур университетига юридик факультетига ўтказилган шу даргоҳда XIX асрда таҳсил берган, унинг номи билан юритиладиган халқаро Мартенс илмий анжуманда қатнашдим. Икки йилда бир мартаба бу университетда дунё миқёсида халқаро ҳуқуқ илми билимдонлари йиғилиб, Фёдор Мартенс қолдирган бой меросни таҳлил этиб, ҳуқуқдаги энг сўнги тенденцияларни муҳокама этдилар. Бу тадбир менда катта таассурот қолдирди. Шунда йўлладим, ҳуқуқ илмида Х.Сулаймонова, Ш.Уразев, А.Аъзамжўаев каби етук намояндалар илмий меросини наҳот биз ҳам омаллаштира олмасак? Шу асно биз энг илғор ҳуқуқий амалиётнинг ортидан қуваяпмиз, тарбияни унутиб қўяёмиз, чоғи. Негаки, юридик ўқув юрти бошқа олий ўқув юртиларидан ўзининг ахлоқий жиҳатлари билан ажралиб туради. Бу даргоҳни би-

тирган талабалар судья, прокурор, терговчи, адвокат ва бошқа касб эгалари сифатида келгусида кўплаб инсонларнинг тақдирини адалотли ва тўғри ҳал қилиши лозим бўлади. Шу сабаб ҳам улут юксак инсоний фазилатларга эга бўлишлари жуда муҳим эканлигини унутмаслик керак. Талабаларга таҳсил бериш жараёнида касбий этикеларни инобатга олган ҳолда йўналтириш, уларнинг жаҳон ва миллий адабиёт намуналарини билиши, маданият ва санъат асарлари билан танишиш имкониятидан ҳам унумли фойдаланиш зарур бўлади. Бу борада талабаларни театр, музейларга олиб боришни тизимли ташкил қилиш яхши самара берган бўларди. Бу айна пайтда Президентимиз илгари сураётган бешта ташаббусни амалиётга татиб қишида ҳам муҳим саналади.

### ТАЪЛИМГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР КЕРАК: "АҚЛИЙ ХУЖУМ", ЭВРИСТИКА НИМА?

Президентимизнинг "Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди", деган шарҳона қараш, шарҳона ҳаёт фалсафасига оид фикри қанчалик ҳаётий ҳақиқат эканлиги кўриниб турибди.

Кўп вақтлар давомида олий ўқув юртида назарий ва амалий билимлар қай даражада, ўқув режасида уларнинг нисбати қандай бўлиши керак, бундай билимларни талабаларга қандай усул ва воситалар орқали етказиш лозим, деган баҳслар бўлиб келган.

Машҳур чех педагоги Я.Коменский инсон ҳар қандай билимини яхши ўлаштиришга қобилияти бор, фақатгина бунга тўғри усулни танлай билиш лозим, деб ҳисоблаган. Ҳозирги замон таълим тизимида, жумладан, юридик таълимда турли усуллар қўлланилади, хусусан, таълимнинг энг муҳим аъёнавий усулларидан бири бу сўз — тушунтириш усули ҳисобланиб, талабанинг билим олишида ўқитувчининг жонли сўзи асосий манба сифатида улкан кучга эга бўлади. Албатта, талаба ҳам ўз ўрнида,

амалий машғулотларда ўз маъруза ва чиқишларида, имтиҳонларда жавоб беришида, ўз илмий раҳбари билан курс ёки малакавий ишини ёзишда, биринчи навбатда, сўздан фойдаланишида, айниқса, кейинчалик, ҳаётда қўллай олишида ўқитувчининг кўргазмали усуллари ҳам муҳимдир. Ўқитувчининг машғулот давомида тегишли кўргазмали жадвал, схема ва ҳатто доскада маркер билан кўрсатган ёзуви, криминалистика бўйича ўқув кабинетидagi анжомлар талаба томонидан яхши қабул қилинади. Талабанинг ўз ўқитувчиси раҳбарлигида семинар ва амалий машғулотларда, айниқса, унинг ўз маърузалари, тегишли мазму буйича вазифа ва топшириқларни ечиши, баҳс ва мунозараларда фаол иштирок этиши ҳуқуқий воқелик ва ҳодисаларни ўлаштиришида "ақлий ҳужум", яъни ақлий фаолият руҳи билан бойитилган эвристик усул ҳисобланади. Бундай усул икки ижобий шаклда амалга оширилади, яъни биринчидан, талаба уйга берилган топшириқ ва вазифани амалий машғулотларда ўзининг жавобларини тақдим этган ҳолда таҳлил қилиши, иккинчидан, ўқитувчи томонидан илгари сурилган муаммолар масалаларини талабанинг мустакил равишида амалий машғулотларда ўз маъруза ва ёзма ишлари орқали муҳокама қилиши билан ажралиб туради. Талабанинг ўз ўқитувчиси раҳбарлигида амалий машғулотларда маъруза ёки реферат, курс ва малакавий ишларини тайёрлашга йўналтирилган тадқиқот усулини ҳам назарда тутати. Бунда ёзма ишни ёзишда унинг режасини тузиш, материаллар тўплаш, уни тизимлаштириш жараёни талабанинг дунёқарашини кенгайтиради, манتيқий фикрлашга ундайди.

Омонулла МУҲАММАДЖОНОВ, юридик фанлар доктори

## ЭЪЛОНЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига танлов ўтказишни эълон қилади

- Коралдистон Республикаси Таълиқтўр туман давлат нотариал идорасида 1 нафар Элтарахмат туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
- Андижон вилояти**
- Андижон шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
- Андижон шаҳар 14-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
- Асака туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
- Олтинкўл туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
- Жалавқудум туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
- Қургонтепа туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
- Хўжабод туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
- Балиқчи туман 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
- Бухоро вилояти**
- Бухоро шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
- Олот туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
- Жондор туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
- Жиззах вилояти**
- Жиззах шаҳар 7-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
- Зомин туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
- Мирафшўр туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

- Олтиқарқ туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
- Риштон туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
- Қўштепа туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
- Қува туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
- Қўқон шаҳар 4-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
- Ёзбон туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
- Фарғона шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
- Хоразм вилояти**
- Гўрлан туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
- Шовот туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
- Хива шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
- Хива шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
- Урганч туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
- Урганч шаҳар 11-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
- Тошкент вилояти**
- Айрген шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
- Бука туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
- Бекobod шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
- Бекobod туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
- Оққўрғон туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
- Қўйиқирққ туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
- Чиноз туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
- Олмалиқ шаҳар 4-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
- Оқдаргон шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
- Янгиёул туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Хўжақаттарин таъдим этилишига соғирти санаси 2019 йил 23 июль

Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги шартлар билан:

- комиссия номига маъруза Нозимнинг "Иновация ва мувофиқ шаклда ариза;
- Ўзбекистон Республикаси Фуқаросининг паспортини нусخаси;
- маъруза Нозимнинг 2-инволяция мувофиқ таърибисини;
- олий маълумот ўзбекистонда диллом бўлиб ваколатли давлат органини хоржий таълим муассасасида олган олий маълумот ўрганишда ҳужжатини нострификация қилиши (квалификацияни қайд этиш);
- ўзбекистонда фуқаросини нусхаси;
- меълят даяфтарасининг таърибисини нусхаси ёки оқирди мухтасарлиги бўйича иш статини таърибисини "Электрон меълят даяфтараси" таърибисини қўришни;
- сўраганилик сизнинг маълумотингиз;
- маълум имтиҳонини топшириганили (дайтга топшириганили) ҳолида ҳужудга ариза органи ҳуруридаги малака комиссиясининг аризадан қўришни (малака имтиҳонини таърибисини, лекин нотариус лавозимига ўқиш учун маълумотини таърибисини қўришни);
- Танловдан маъруза Нозимга назарда тутилган ҳужжатларни таъдим этилишига талаб қилишга йўри қўрилади.

Электрон шаклда таъдим этилган ариза ва улут улуга қилинаётган ҳар бир ҳужуд: ҳар қандай солиқлашни тўлиқлангани (дар бир дойира 200 илтиҳондан кам бўлмаган) эълонда фаил қўришида қўришни берилган. Ҳар бир фаил ўқишни

10 МБдан ошмаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги "PDF" (portable document format) форматда оқирди қилишни қўришни қўришни.

Хўжақаттарин Адлия вазирлигининг: ml.hatamov@adliya.uz электрон пошта мазмунига қўришни лозим.

Хўжақаттарин топширишга юзга қилинган савоплар учун Адлия вазирлигининг (8-371) 236-76-52 ва 236-26-06 телефон рақамларида илтиҳон қўришни мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги "Нотариус"ни қўришни: 2-инволяция мувофиқ, илтиҳон беш ишдан неча бўлмаган, олий юридик маълумоти, оқирди мувофиқ бўлиши билан ариза ўқишни ва статини эга бўлиш, шу ҳужжатлар нотариал идораларда камбада бир йил статини эга бўлиш.

Талаблардан маъруза Нозимга назарда тутилган ҳужжатларни таъдим этилишига талаб қилишга йўри қўрилади.

Электрон шаклда таъдим этилган ариза ва улут улуга қилинаётган ҳар бир ҳужуд: ҳар қандай солиқлашни тўлиқлангани (дар бир дойира 200 илтиҳондан кам бўлмаган) эълонда фаил қўришида қўришни берилган. Ҳар бир фаил ўқишни

10 МБдан ошмаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги "PDF" (portable document format) форматда оқирди қилишни қўришни қўришни.

Хўжақаттарин Адлия вазирлигининг: ml.hatamov@adliya.uz электрон пошта мазмунига қўришни лозим.

Хўжақаттарин топширишга юзга қилинган савоплар учун Адлия вазирлигининг (8-371) 236-76-52 ва 236-26-06 телефон рақамларида илтиҳон қўришни мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги "Нотариус"ни қўришни: 2-инволяция мувофиқ, илтиҳон беш ишдан неча бўлмаган, олий юридик маълумоти, оқирди мувофиқ бўлиши билан ариза ўқишни ва статини эга бўлиш, шу ҳужжатлар нотариал идораларда камбада бир йил статини эга бўлиш.

Шайхонтоҳур туман "Ягона дарча" маркази томонидан 2016 йил 7 июлда №00358-09 реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтган "IMPORT ELECTRONICS TRADE" хусусий корхонаси (СТІР 304 221 154) таъсисчисининг 2019 йил 1 июлдаги қарорига асосан тугатилди. Корхона манзили: Қириқ халқа йўли қўчаси, 2-уй.

Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой мобайнида корхона почта манзили бўйича қабул қилинади.

Тошкент шаҳар, Учтепа туман "Ягона дарча" марказида 16.10.2018 йилда 643622-сонли реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтган "OFFICIAL PHARMACY GROUP" (СТІР 305 807 858) таъсисчисининг 2019 йил 5 июлдаги 3-сонли қарорига асосан тугатилди.

Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади.

Тел.: (97) 449-09-94.

Андижон вилоят адлия бошқармасининг 2019 йил 28 июндаги 278-ум-сонли буйруғига асосан бошқарма томонидан 2016 йил 8 августда берилган AN №00309-сонли лицензия эгаси "TSISTERON HAQIQAT MEZON" адвокатлик бюроси адвокати Гофуров Муҳиддин Жалолдиновнинг адвокатлик лицензиясини ҳамда адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ва адвокатлик макрми тугатилди.

Сергели туман Давлат хизматлари маркази томонидан (Сергели тумани, Обхот қўчаси, 3а-уй) 2017 йил 3 июнда 009511-04 сонли реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтган "QARAXONI-SERVIS" ХК манзили Сергели тумани, Узғарши мавзеси, ТХАЙ қўчаси, 22А-уй (СТІР 303 170 870) таъсисчисининг 2019 йил 5 июлдаги 1-сонли қарорига асосан тугатилди.

Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида корхона почта манзили бўйича қабул қилинади.

Тел.: (94) 605-01-31.

Сергели туман Давлат хизматлари маркази томонидан 2013 йил 29 мартда 003790-06 сонли реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтган "JARA TEKS" М-МҚ манзили Сергели тумани, Сергели-6, Янги Сергели қўчаси 3, Автоматжума ¼ қатор, 16-қуд (СТІР: 302 557 364) таъсисчисининг 2019 йил 5 июлдаги 1-сонли қарорига асосан тугатилди.

Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида корхона почта манзили бўйича қабул қилинади.

Тел.: (97) 404-39-88.

Навоий вилоят адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 26 июнда 15-реестр тартиб рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган "JAPALAK RAYXAN" адвокатлик бюроси бошқарманинг 2019 йил 25 июндаги 121-ум-сонли буйруғига асосан илтиҳон тугатилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги "Адвокатлар ўрганиши"ни қўришни 16-моддасига асосан Фарғона шаҳридаги "XALOLLIK HAMROHI" адвокатлик бюроси аризадига

бўлган Шарофиддинов Учқун Гуломжонович (лицензия 01.08.2016 йил, FE №000315, адвокатлик гувоҳномаси №440, 19.10.2018 й.), Фарғона шаҳридаги "Zalovoy qalqon" адвокатлик бюроси адвокати Хайдаров Алишер Ахмадвалиевичнинг (лицензия 29.12.2018 йил, FE №000070, адвокатлик гувоҳномаси №100, 29.12.2018 й.) адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларнинг амал қилиши ва адвокатлик макрми тугатилди.

Тошкент шаҳар, Чилонзор туман таъдиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида 05.10.2018 йилда 640963 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, "BRIGHT-26-109-41-30" манзилида давлат рўйхатидан ўтган "GUSTON-LIGHTS INC" М-МҚ (СТІР 305 788 455) таъсисчисининг 2019 йил 2 июлдаги қарорига асосан тугатилди.

Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинади.

Тел.: (90) 138-49-70.

Сергели туман Давлат хизматлари маркази томонидан (Сергели тумани, Обхот қўчаси, 3а-уй) 2019 йил 4 январда 659975 реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтган "CONNECTING MOBILE" М-МҚ манзили Тошкент шаҳар, Сергели тумани 2-қўриш худуди, 13-уй, 13-хонадон (СТІР 305 929 072) таъсисчисининг 2019 йил 2 июндаги 3-сонли қарорига асосан тугатилди.

Давлопар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида корхона почта манзили бўйича қабул қилинади.

Тел.: (97) 431-13-13.

Андижон вилоят адлия бошқармасининг 2019 йил 25 июндаги 270-ум-сонли буйруғига асосан бошқарма томонидан 2018 йил 21 декабрда берилган AN №000125-сонли лицензия эгаси "Андижон" адвокатлар ҳайъати адвокати Тажиев Махаммадшокир Мирзаевичнинг адвокатлик лицензиясини ҳамда адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ва адвокатлик макрми тугатилди.

Мирзо Улугбек туман таъдиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 06.03.2012 йилда 7199-04-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган Мирзо Улугбек тумани, Мирзо Улугбек қўчаси, 43-уй, 23-хонадон манзилида жойлашган "CONSULTING GOLD PLUS" маъсублини чекланган жамият 2019 йил 2 июлдаги 1-сонли қарорига асосан тугатилди.

Давлопар (93) 513-79-24 телефон рақами орқали қабул қилинади.

ИФН: 304 982 460.

Мирзо Улугбек туман Давлат хизматлари маркази томонидан 02.11.2018 йилда 647282-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган Мирзо Улугбек тумани, Зинбилар қўчаси, 9-уй манзилида жойлашган "DEV APL" маъсублини чекланган жамият 2019 йил 2 июлдаги 1-сонли бевноамасини асосан тугатилди.

Давлопар (97) 770-14-19 телефон рақами орқали қабул қилинади.

ИФН: 305 835 547.



**Жамолов Шухрат Ўроқович Самарқанд тумани ҳокими**

— Мамлакатимиз раҳбари 2018 йил 16 мартдаги Самарқанд вилоятига ташири чоғида айнан бизнинг туманда бўлиб, биринчи навбатда халқнинг турмуши, фаровонлиги борасида қилинаётган ишларни алоҳида таъкидлади. Шунга кўра, ўтган қисқа давр мобайнида бошқарув тизимида туб ислохотлар амалга оширилди. Далада ишловчи ҳар бир фермер ва деҳқонга эндиликда эскича яшаб, ишлаб бўлмаслигини, бугун замон шиддат билан ўзгараётганлиги, қўшма корхоналар ташкил этиб, чет эл инвестицияларини олиб кирмасак дунё тамаддунидан орқада қолишимизни тушунтиришимиз керак. Хорижликлар билан шериклик асосида ишлаб, уларнинг тажрибасини ўрганиб, ҳаётга татбиқ этиш туманда биринчи вазифа қилиб қўйилди.

**САМАРҚАНД** тумани деганда, кўҳна ва ҳамisha навқирон Самарқанд шаҳрини ўраб турган яшил ҳалқа тушунилади. Чўпон-ота атрофидаги боғлар, Боғи Баланднинг шириндан шакар анжирлари, Боғи Майдонда қад ростлаётган янги намунавий уй-жойлар, кўйингки, буюк саркарда Амир Темур сиймоси билан узвий боғлиқ чорбоғлар, серҳосил замин, шаффоф, тиниқ оқар сувлар ва ҳовузлар кўз ўнгингизда пайдо бўлади.

**ФАКТ**

Хусусан, “LIFT GROUP” МЧЖ ташкил этилиб, умумий қиймати 700 минг АҚШ долларидаги вилоятда ягона лифт ва лифт эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариладиган корхона қурилиши бошланди, ушбу иншоот 2019 йилнинг тўртинчи чорағида ишга тушади ҳамда 75 та иш ўрни яратилади. Бундан ташқари, “SAM MAXMUM” МЧЖ ташкил этилиб, қиймати 642 минг АҚШ доллари баҳосида бўлган қурилиш материаллари корхонаси ташкил этилиши натижасида, 10 та бўш иш ўрни яратилди. Жами 330 минг АҚШ доллари миқдоридagi пластмасса плитус ишлаб чиқариладиган “MINNMASTER PLAST” МЧЖ корхонасида 32 та янги иш ўрни очилди.

# БУ ЭЛНИНГ ЁШУ ҚАРИСИ МЕҲНАТНИ СЕВАДИ РИЗҚИНИ ЎЗИ ТЕРАДИ

**Маълумот учун**

лари қисқа фурсатда бугунги замон талабига ҳамоҳанг иш тутиб, унга мослашиб, катта ҳажмдаги ишларни бошлаб юбордилар. Ҳаммадан ҳам Юртбошимиз қўшни мамлакатлар билан дўстлик кўпригини очганларидан сўнг қўшничилик аънавалари ҳамда ҳамкорликда ишлаш йўлга қўйилди. Тадбиркор Бехруз Ўрозовга қарашли “Навобат насли парранда” хусусий корхонаси Тожикистон Республикасининг Хатлон ва Суғд вилоятларига парранда гўшти етказиб бермоқда. Бундан ташқари, тадбиркор Тохир Шарипов Охалик қишлоғида 1,5 гектар ерни ўзлаштириб, экспортёр мевали дарахтларни парвариш қилмоқда.

Бугун халқимизнинг фаровон яшаши учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Худуддаги Туркман, Оқмачит, Гулобод маҳаллаларидаги мактаблар тўлиқ таъмирланди, шунингдек, Деҳнов, Талибазру маҳаллаларида 100-120 ўринли давлат хусусий шериклик асосида мактабгача таълим муассасалари фойдаланишга топширилди. Юртбошимиз халқни рози қилиш керак, деган гапни кўп таъкидлайдилар. Шунга кўра, туман худудида Собик иттифок даврида қурилган, бугунга келиб авария ҳолатига келиб қолган 53 та кўп қаватли уйлар капитал таъмирланди, жойларни электр энергияси билан таъминлаш мақсадида 80 километр ҳаво линиялари реконструкция қилинди, 20 дан ортиқ янги трансформатор ўрнатилди. Туманда уй-жойга муҳтож бўлган оилаларга уй-жой қуриб берилди. Бугун ҳам қурилиш ишлари давом этмоқда.

Жумладан, саноат, қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш билан биргаликда туризм

салоҳиятини ҳам ривожлантириш, янги инфратузилма барпо этиш бўйича аниқ топшириқлар олганмиз. Шунга кўра, тоғ атрофида жойлашган баҳаво Меронқўлда “Оригинал Макс Люкс” фермер хўжалигида умумий қиймати 160 миллион АҚШ доллари бўлган дам олиш маскани қурилмоқда. Бу ерда меҳмонхона, бассейн, ҳаммом, мини-футбол, теннис корти қурилади. Ушбу лойиҳа ишга тушади, 60 та янги иш ўрни яратилади. Тумандаги Янгиариқ маҳалласида “Оқ Амир Baliqlari” фермер хўжалиги 49 миллион сўм қийматидаги балячилик комплекси ва интенсив баляч ҳавзаларини ташкил этиш борасида иш олиб бормоқда. Туман ҳокимининг қарори билан “AMIRXON NOS NE‘MATLARI” фермер хўжалиги экотуризм лойиҳалари асосида 50 мингдан ортиқ экзотик дарахтлар экишни режалаштирган. Жумладан, “Янгиоровот” маҳалласи худудида “ОРЗУ” МЧЖ корхонаси қиймати 7 миллиард сўм бўлган чет эл ва республикамиздаги машхур дам олиш масканларига мензалган лойиҳа асосида замонавий истироҳат боғи ҳамда дам олиш маскани ишга туширди. Бугунги кунда ушбу дам олиш масканида 2000 м<sup>2</sup> катталиқдаги бассейн, баландлиги 35 метр бўлган сунъий шаршара ва бошқа кўнглочар масканлар қуриб битказилган.

Бугунги кунда туманимизда тўртта маданий иншоот бўлиб, маҳаллий ва хорижий сайёҳлар оқимини ошириш мақсадида ушбу иншоотлар капитал таъмирланмоқда. Шунингдек, туманимизда жорий йил туризмни ривожлантириш режаси асосида 3 та меҳмонхона қурилади. Шунингдан ташқари, бундай лойиҳаларни айнан

“Янгиоровот” маҳалласи худудида “ОРЗУ” МЧЖ корхонаси қиймати 7 миллиард сўм бўлган чет эл ва республикамиздаги машхур дам олиш масканларига мензалган лойиҳа асосида замонавий истироҳат боғи ҳамда дам олиш маскани ишга туширди. Бугунги кунда ушбу дам олиш масканида 2000 м<sup>2</sup> катталиқдаги бассейн, баландлиги 35 метр бўлган сунъий шаршара ва бошқа кўнглочар масканлар қуриб битказилган.

туманимизда истиқомат қилаётган тадбиркорлар амалга оширмоқда. Бу эса одамларимизнинг меҳнатга муносабати ўзгарганлиги, инновацион ишланмаларнинг моҳиятини тушунаётганлигидан далолат беради.

Ҳа, қадимдан Самарқанднинг чор тарафи турфа ўзгаришлар, яшариш ва янгилинишлар марказида бўлиб келган. Бу ўлканинг буюк тарихи миллий гуруҳимиз, албатта. Уйлайманки, Самарқанднинг шу кеча-кундуздаги ислохотлари ҳам келажакка татийди. Авлодлар истиқболда бу ўзгаришларга муносиб баҳо беради. Биз бундай олий баҳога лойиқ бўлишимиз учун эса, изланишимиз, фақат илгари юриб, етук, ривожланган жамият барпо этишимиз керак.

**Азим ҚОДИРОВ,**  
“Инсон ва қонун” муҳбири

Хизматлар лицензияланган.

Экин экиладиган ерлари асосан булоқ сувларидан тўйингани учун ҳам унда етиштирилган мевалар ширинлиги билан ажралиб туради. Бугун Самарқанд тумани боғбону саҳибкорлари, миришкорларини қайта кашф этиб, янги даврга қадам қўймоқда. Худудга хориж инвестицияси жалб этилиб, истиқболли лойиҳалар амалга оширилаётганлигига гувоҳ бўлдик. Самарқанд тумани асосан боғдорчилик ва мева-сабзавотчиликка ихтисослашган. Эндиликда эса худудда бир қанча кичик саноат зоналари яратилиб, аграр соҳадан индустрия сари ўтилмоқда. Шунингдек, элга хизмат қилаётган деҳқонларимизнинг азму шижоати, гайратига гувоҳ бўлиш учун шаҳар билан ёнма-ён жойлашган савдо ва бозор платформасига тўхтадик. Зеро, Хожа Аҳрор даҳасидаги узум етиштираётган боғбонларни, Боғи Баланд анжирини Европа бозорларига етказиб бераётган, Боғи Майдоннинг оби-рахмат сувидан кўчат ундираётган деҳқон меҳнатини барча яхши билса керак. Шу боис бу элнинг ёшу қариси меҳнатни севади, ризқини ўзи теради. Кўшнни соғиниб яшайди. Истиқболли лойиҳалар, янгидан бунёд этилаётган маҳалла ва шаҳарчалар, равон йўллар бунга ёрқин мисол, менимча.

— Мамлакатимиз раҳбари 2018 йил 16 мартдаги Самарқанд вилоятига ташири чоғида айнан бизнинг туманда бўлиб, биринчи навбатда халқнинг турмуши фаровонлиги борасида қилинаётган

ишларни алоҳида таъкидлади, — дейди Самарқанд тумани ҳокими Шухрат Жамолов. — Шунга кўра, ўтган қисқа давр мобайнида бошқарув тизимида туб ислохотлар амалга оширилди. Далада ишловчи ҳар бир фермер ва деҳқонларга эндиликда эскича яшаб, ишлаб бўлмаслигини, бугун замон шиддат билан ўзгараётганлиги, қўшма корхоналар ташкил этиб, чет эл инвестицияларини олиб кирмасак дунё тамаддунидан орқада қолишимизни тушунтиришимиз керак. Йўқ-са, эртанги авлод бизни кечирмайди. Хорижликлар билан шериклик асосида ишлаб, уларнинг тажрибасини ўрганиб, ҳаётга татбиқ этиш туманда биринчи вазифа қилиб қўйилди. Юртбошимизнинг “Халқ бой бўлса, давлат бой бўлади”, деган иборасидан кейин бу борада қилинадиган ишларимизни аниқ ва пухта режалаштириб олдик ва шу асосда иш юритмоқдамиз. Айтиш кераки, Собик иттифок даврида катта-катта бинолар, ҳаттоки унумдор ерлар эски тузум раҳбарларининг бемақсад топшириқларига биноан керакисиз ва хароб аҳволда қолдирилганди. Шу пайтгача бекор ётган академик М.Мирзаев номидаги Ўзбекистон Боғдорчилик, узумчилик илмий текшириш станциясининг бино ва ери ҳокимият захирасига олинди, бу ерда учта янги кичик саноат зонаси ташкил этилди ҳамда 135 та янги иш ўрни яратилди. Шунингдан ташқари, равон йўллар бунга ёрқин мисол, менимча.

**ИНСОН ҚОНУН**

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

МУАССИС:  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИА ВАЗИРАЛИГИ

www.minjust.uz

**Бош муҳаррир**

**Кўчқор НОРҚОБИЛ**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Тошқулов Акбар Жўрабоевич  
Рабиёв Шерзод Миржалолович  
Тожиёв Фурқат Шомуродович  
Искандаров Ёрбек Нурбекович  
Эргашева Дилфуза Рустамовна  
Мамадалиев Зайниддин Очилович

Таҳририятга келган кўлэмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

**Навбатчи**  
Мадҳия Авазова

**Саҳифаловчи-дизайнер**  
Жасур Тожибоев

**Нашр индекси: 137**

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририяти компьютер базисда терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида “Ўзбекистон” нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.

**Корхона манзили:** Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

**Ушбу сонда ЎЗА суратларидан фойдаланилди.**

**Тиражи — 10799**  
Еуротма — V-3576  
Топшириш вақти — 19:00  
Топширилди — 22:00

**МАНЗИЛИМИЗ:**

100 000, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-35.

**Факс:** (0371) 233-44-23,  
(0371) 233-44-08

**Обуна бўлими:** 233-44-09

**Баҳоси шилтирилган нарҳда**

1 2 3 4 5

## БИЗ СИЗ БИЛАН БИРГАМИЗ!

САМАРҚАНД вилоят адлия бошқармаси билан Ўзбекистон ноғиронлар жамияти ҳамда Ўзбекистон Ноғирон ишбилармон аёллар миллий ассоциацияси ҳамкорлигида "Биз биргамиз!" ижтимоий лойиҳаси доирасида навбатдаги вилоят савдо ярмаркаси ўтказилди. 2008 йилдан бошлаб амалга ошириб келинаётган лойиҳадан қўзланган мақсад ноғиронлиги бўлган шахсларни жамиятда ўз ўрнини топишига қўмаклашиш, улар ҳам жамиятимизнинг ажралмас қисми эканини намоён қилишдир.



Ярмарка 2019 йилнинг 3 июль куни Самарқанд шаҳрининг "Регистон" майдонида бўлиб ўтди. Акцияда 20 дан ортиқ хунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари, маданий ва доривор ўсимликлар ўстирувчилар, ноғиронлар спорт жамиятлари ҳамда нодавлат ташкилотлари иштирок этди. Унда ноғиронлиги бўлган шахслар томонидан тайёрланган маҳсулотларнинг савдоси ташкил этилиб, уч миллион сўмлик савдо амалга оширилди. Адлия бошқармасида рўйхатга олинган миллий маданий марказлар ҳамда бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ўзларининг фаолиятини тарғиб қилувчи кўргазмалари билан иштирок этишди.

"Биз биргамиз!" ижтимоий лойиҳаси акцияси давомида "Регистон" майдонида тантанали ва байрамона тусда санъат усталари ҳамда миллий маданий марказлар фольклор гуруҳларининг чиқишлари ташкил этилди.

Ушбу акция Самарқанд вилоятига ташриф буюрган чет эллик сайёҳларда ҳам катта таассурот қолдирди.

Шу каби тадбирлар аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга ҳамда давлат идораларининг халққа янада яқин бўлишини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Хосиятхон АБДУРАҲМОНОВА,  
Самарқанд вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

## Энергетика соҳасидаги ҲУҚУҚИЙ ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

*Бугунги кунда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси ва гоялари асосида энергетика соҳасида амалга оширилаётган ишлар ва олиб борилаётган тадбирлар энергетика тармоғини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, мамлакатимизда муқобил энергиядан фойдаланишнинг ривожланиши учун хизмат қилмоқда. Бу эса илм-фанда янги соҳалар, жумладан, энергетика ҳуқуқий соҳасини ривожлантиришни тақозо этмоқда.*



### Маълумот учун

Ушбу монография талаба ва магистрантлар, профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар, "Экоўмита", "Экоҳаракат", "Экосан", "Ўзбекэнерго" АЖ, Энергетика вазирлиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари, тадбиркор, фермер хўжалиги аъзолари ва раҳбарларига ҳамда кенг китобхоналар оммасига мўлжалланган.

Шу мақсадда, таниқли олим, юридик фанлар доктори, профессор Жуманазар Холмўминов томонидан чоп этилган "Энергия соҳасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солиш" номли монографияси муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ушбу монография таниқли олимнинг кейинги йилларда жамланган янги "Энергетика ҳуқуқий" соҳасига бағишланган дастлабки илмий-тадқиқотларидан биридир.

Монография энергия соҳасидаги муносабатларни ва муқобил энергия манбаларидан фойдаланишнинг умумий ҳуқуқий тартиби, келажак истиқболлари, биогаз қурилмалари эксплуатациясининг хавфсизлиги ва энергия тежамкор сув насосларидан фойдаланиш соҳасидаги меъърий-ҳуқуқий ҳужжатлар, имтиёз ва талаблар, энергия соҳасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солишнинг айрим усуллари, энергия соҳасидаги қо-

нун талабларини бузганлик учун юридик жавобгарлик, Ўзбекистонда Атом энергетикасини ташкил этиш ва ривожлантиришни ҳуқуқий тартибга солиш, жумладан, экологик ҳуқуқий таълим ва тарбия каби мавзуларга бағишланган.

Қўлланманинг Ўзбекистонда Атом энергетикасини ташкил этиш ва ривожлантиришни ҳуқуқий тартибга солиш масалаларига бағишланган қисмида юртимизда атом энергетикасининг ташкил этилиши ва унинг ривожланиш тарихи, ҳуқуқий асослари, атом электр станцияси учун кадрлар тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари, атом энергетикасини ривожлантиришнинг устувор вазифалари, Ўзбекистон Республикасида атом энергетикасини ривожлантириш Концепциясининг асосий принциплари ва мақсади ҳамда атом энергетикасини ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича чора-тадбир-

лар режаси ҳуқуқшунослик йўналишида янгилик бўлди.

Ушбу монография талаба ва магистрантлар, профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар, "Экоўмита", "Экоҳаракат", "Экосан", "Ўзбекэнерго" АЖ, Энергетика вазирлиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари, тадбиркор, фермер хўжалиги аъзолари ва раҳбарларига ҳамда кенг китобхоналар оммасига мўлжалланган.

Энергия соҳасига оид муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солиш масаласини ўзида ифода этган мазкур илмий манба энергетикага оид масалаларни ҳуқуқий ўрганишда ва ёшларга тушунтириб боришда ҳамда соҳадаги ҳуқуқий билимларни тарғиб қилишда ижобий ёрдам беради, деган умиддамиз.

Омонбой ОҚЮЛОВ,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, юридик фанлар доктори

РЕКЛАМА




Хурматли тадбиркорлар!

## "АСАКА" БАНК

бизнесингизни молиялаштириш ва  
ривожлантириш учун қуйидаги  
хорижий банкларнинг  
кредит линиялари маблағлари  
ҳисобидан кредитлар  
таклиф этади:



Хитой Халқ  
Республикаси  
Давлат Тараққиёт  
Банки



Халқаро Тикланиш ва  
Тараққиёт Банки  
"Ўзбекистон Респуб-  
ликасида боғдорчи-  
лик секторини ривож-  
лантириш" лойиҳаси  
доирасида



Халқаро Тараққиёт  
Агентлиги  
"Ўзбекистон Респуб-  
ликасида чорвачилик  
соҳасини ривожлан-  
тириш" лойиҳаси  
доирасида



Туркия  
Республикаси  
Эксимбанки



КФВ Ипекс  
Банк  
(Германия)



Ландесбанк  
А.Г.  
(Германия)



Коммерцбанк  
А.Г.  
(Германия)



Корея  
Республикаси  
Эксимбанки

Маълумот учун телефонлар:  
(78) 120-82-01, 120-82-09, 120-82-24,  
120-82-62, 120-82-96, 120-86-83.



www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган.